

БУХОРО ВОҲАСИ ЎЗБЕК ВА ТОЖИКЛАРИДА ”БЕШИККЕРТИ” УДУМИ

Шамсиева Зилола Аскарровна

ТерДУ Этнография, этнология ва антропология йўналиши
таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро воҳаси ўзбек ва тожик аҳолиси томонидан қадимдан амал қилинган “бешиккертти” удуми тарихий-этнографик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Бундан ташқари, ушбу удумнинг аҳоли орасида турли этнографизмлар билан аталиши қиёсий равишда ўрганилган.

Калим сўзлар: “бешикқуда”, “гаҳворабахш”, “этак йиртди”, “этак чатди”, чилла, глобаллашув.

ABSTRACT

The article analyzes the custom of "beshikkerti" practiced by the Uzbek and Tajik residents of the Bukhara oasis from a historical and ethnographic point of view, and also comparatively studies the name of this tradition among the population with different ethnographisms.

Key words: “beshikkuda”, “gakhvorabakhsh”, “etak yirtdi”, “etak chatdi”, chilla, globalization.

КИРИШ

Олимларнинг таъкидлашларича, никоҳ тузишнинг бир неча хил анъанавий кўринишлари мавжуд: 1) совчилик; 2) қизни олиб, қочиб кетиш; 3) бола бешикда бўлганлигидаёқ чақалоқларни унаштириб қўйиш; 4) левират ва сорорат никоҳ тузиш анъаналари орқали.[1;93]

Янги туғилган чақалоқларнинг бешикда бўлган давридаёқ уларнинг оналари томонидан келажакдаги никоҳ тўғрисида келишиб олиш одати дунё халқларининг қўпчилигида учрайди. Хусусан, Сибир татарларида[2;112-119], Олтойликларда[3;222], бошқирлар ва чувашларда[4;175], шунингдек, Волгабўйи ва Кавказ халқларида[5;143] ушбу удум бугунги кунда ҳам мавжуд.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Туркийзабон халқлар орасида ушбу одат “бешикқуда”, форсийзабон халқлар орасида эса “гаҳворабахш” (ўзб. “бешик давридан бир-бирига боғламоқ, бағишламоқ”) атамаси билан машҳур бўлган. Тадқиқотларда ушбу удумнинг 19-аср охиригача ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқларда ва мавжуд бўлиб, асосан, Кавказ, Волга, Сибир халқлари орасида бугунги кунгача сақланиб қолганлиги қайд этилган.[6;143] Хусусан, ёқутлар орасида бешикдаги

болаларни бир-бирига унаштириб қўйиш одати XVII-XVIII асрларда кенг тарқалган. Ёқутларда болаларни “бешиккертти” қилиш болалар бир ёшлигидан то ўн бир ёшлигигача давом этган, яъни 11 ёшдан кейин ёқутларда бешиккертти қилинмаган. Бундай болаларнинг ёшлигидан биргаликда ўсиб-улғайишига, тарбияланишига ва таълим олишига алоҳида эътибор берилган. [7;112-119]

Бухоро воҳаси ўзбекларида бу удум “бешиккертти”[8;48], “бешиккуда”, “этак йиртди”, “этак чатди”, тожиктилли аҳоли эса, “таҳворабахш”, “бахшанда” каби атамалар билан номланган.[9] Ахборотчиларнинг фикрига кўра, бу удумни амалга ошириш учун бўлғуси куёв хонадони вакили томонидан янги туғилган қиз чақалоқнинг бошига рўмол ўралиб, қулоғига тилла ҳалқа тақилган. Бундан ташқари, қиз чақалоқнинг уйи остонасини ёши кекса онахонлар супуриб, мақсадларини билдиришган.[10]

Воҳанинг Ғиждувон тумани Ғовшун қишлоғида XX асрнинг 60-70-йилларида кузатилган бу одатга кўра, қиз бола туғилганида уни келин қилишни ният қилган оила мазкур хонадонга ташриф буюриб, чақалоққа кийгизилган кўйлакнинг этагини йиртиб “этак йиртди”(тож. “домандаррон”) ёки “этак чатди”(тож. “доманчок”) расм-русумини бажаришган.[11]

Бешиккертти удуми ҳақидаги маълумотлар халқ достонларида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, халқ достони-“Алпомиш”да ҳам Барчин туғилганидаёқ «бешиккертти» удумига риоя қилинганлиги қуйидагича келтирилади: «Ана шунда Шохимардон пири Ҳақимбекка Барчинойни аташтириб, бешиккертти қилиб: «Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳақимбек билан ҳеч ким баробар бўлмасин, омин Оллоҳу Акбар», -деб фотиҳани бетига тортди».[12;140] Демак, “бешиккертти” ўзбек халқининг қадимий, анъанавий удумларидан биридир.

Бухоро тожиклари тўй маросимларини филологик нуқтаи назардан ўрганган фолклоршунос Сирожиддин Бобоев ҳам ўз тадқиқотида Бухорода ҳам “таворабахш” удумига тожиклар орасида амал қилинганини таъкидлаб ўтган. Унинг маълумотларига қараганда, ушбу маросим фақатгина чақалоқлар чилласидан чиққунигача бўлган даврда ўтказилган, акс ҳолда, ушбу анъана ўз кучини йўқотади, деб қабул қилинган. Бундан ташқари, “таворабахш” қилинадиган чақалоқлар бир кунда ёки ўғил бола қиз боладан 2-3-ой илгарироқ туғилган бўлиши керак, сингари қоидаларга амал қилиган.[13]

Бугунги кунда воҳа ўзбек ва тожикларида ёшларимизнинг “бешиккертти” ёки “таворабахш” удумига амал қилиб, турмуш куриш одатлари деярли учрамайди, хато қилмаймиз. Глобаллашув жараёнининг авж олиб аҳоли дунёқарашида кескин ўзгаришлар рўй бериши бунинг асосий сабабларидан

биридир. Оилаларида қадимдан турмуш қуриш масаласида ёши катталар, кексалар фикри инобатга олинган бўлса, бугунги кунда бунга эътибор камайиб бориб, кўпроқ ёшларнинг фикри устулик қилмоқда. Хусусан, бирга ўқиб, таълим олиб, бир-бирини яқиндан таниб, режалаштириб, турмуш қуришни афзал кўришмоқда ва айнан мана шу омиллар бахтли бўлишнинг шартли, деган фикрлар ёшлар орасида кенг тарқалган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Томилов Н.А., Карелина И.М. Свадебный обряд татар Среднего Прииртышья // Проблемы этнографии и социологии культуры. - Омск, 1988.
2. О.П. Коломиец. О некоторых формах брака у Сибирских татар. // Культурология традиционных сообществ: Конкурсные работы молодых ученых. - Омск, 2002.
3. Дьяконова В.П. Алтайцы (материалы по этнографии теленгитов Горного Алтая). - Горно-Алтайск, 2001.
4. Козлова К.И. Этнография народов Поволжья. - М., 1964.
5. Валеев Ф.Т. Сибирские татары. Культура и быт. - Казань, 1993.
6. Валеев Ф.Т. Сибирские татары. Культура и быт. - Казань, 1993.
7. Коломиец. О некоторых формах брака у Сибирских татар. / Культурология традиционных сообществ: Конкурсные работы молодых ученых / Отв. ред. М.Л. Бережнова. - Омск: Изд-во Омск. педагогическ. ун-та, 2002.
8. Бешикертти-қиз болани чакалоқлигидан унаштириб қўйиш одати. / Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. - Т. - "Университет", 1994.
9. Дала ёзувлари. Шофиркон, Вобкент, Ғиждувон, Қорақўл туманлари. 2020-йил.
10. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Тағбандбофон маҳалласи. 2022-йил.
11. Дала ёзувлари. Ғиждувон тумани, Ғовшун қишлоғи. 2021-йил.
12. Jo'rayev M, Eshonqulov J.. Folklorshunoslikka kirish. - Т.: «Barkamol fayz media», 2017.
13. Бобоев С.С. Устная поэзия на свадебных обрядах таджиков Бухары. Автореферат диссертации на соискание степени кандидата филологических наук. - Душанбе. - 1997.